

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



“КЕЛИШИЛГАН”
УзР ВМ хузиридаги Олий аттестация
комиссиясининг раиси

А.Т.Юсупов
2018 й.



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Самарқанд давлат университети
ректори

Р.И.Халмурадов
2018 й.

**03.00.06 – Зоология
ИХТИСОСЛИГИ БҮЙИЧА МАЛАКАВИЙ ИМТИҲОННИНГ МИНИМУМ
ДАСТУРИ**

Минимум дастури Самарқанд
давлат университетида тайёрганланган

САМАРҚАНД – 2018

Кириш

Зоология фани предмети, мақсади ва вазифалари. Фаннинг ривожланиш тарихи. Фаннинг тадқиқот услублари, обьекти, бир хужайрали ва кўп хужайрали ҳайвон организмлар. Зоология фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Ҳайвонот оламининг биосфера барқарорлигини ва биологик хилма-хилликни саклашдаги аҳамияти. Фаннинг ҳалқ ҳўжалиги, қишлоқ ҳўжалиги, тиббиёт муаммоларини ечишдаги тутган ўрни. Зоологиянинг биолог мутахассис тайёрлашдаги ўрни. Амалий зоология ютуқлари ва инновацион технологияларни амалиётга тадбиқ этишнинг роли ва аҳамияти.

Зоология фани тарихан шаклланган 2 қисм - умуртқасизлар ва умуртқалилар зоологиясидан иборат.

I қисм Умуртқасизлар зоологияси Асосий қисм Кириш

Умуртқасизлар зоология фанининг обьектлари ва предмети. Фаннинг мақсад ва вазифалари. Умуртқасизлар зоологияси фанининг бошқа фанлар тизимида тутган ўрни. Фаннинг ривожланишидаги асосий босқичлар ва унинг шаклланишига катта ҳисса қўшган олимлар. Ўзбекистонда зоологик тадқиқотларнинг ривожланиши. Тирик организмларнинг замонавий тавсифи. Протистология ва зоология. Ҳайвонларнинг ҳозирги замон систематикаси, кладистик усул, асосий систематик бирликлар. К.Линнейнинг систематик категориялари ва уларнинг ҳозирги замон талқини.

Бир ҳужайралилар кенжа олами

Ҳужайра – бир бутун организм сифатида. Бир ҳужайралилар (Protozoa) тузилишида кўп ҳужайралиларга хос хусусиятларининг намоён бўлиши. Содда ҳайвонлар ҳужайрасининг кўп вазифалилиги ва органеллалари. Содда ҳайвонларнинг озиқланиши, ҳаракатланиши, айриши, жинссиз ва жинсий кўпайиши. Бир ҳужайралиларда жинсий ва жинссиз насллар галланиши. Тинч ҳолати ва тарқалиш даврлари (цисталар ва споралар). Бир ҳужайралилар экологияси ва тарқалиш муҳити.

Эвгленасимонлар (Euglenozoa) типи

Эвгленалар (Euglenoidea) синфи. Тузилиши, ҳаракатланиши, озиқланиши. Вакиллари тузилишида ҳайвон ва ўсимликларга хос умумийлик. Кинепластидлар (Kinetoplastida) синфи. Умумий тузилиши, ривожланиши, классификацияси ва патоген вакиллари.

Яшил сувўтлар (Chlorophyta) типи

Волвоксимонлар (Volvocida) синфи. Колония бўлиб яшовчи волвоксимонлар, асосий вакиллари, колониясининг тузилиши, кўпайиши. Колониал ҳайвонларнинг ҳайвонот олами эволюциясидаги аҳамияти.

Алвеолалилар (Alveolata) типи

Умумий белгилари. Қалқондор хивчинлилар (Dinoflagellata) кенжа типи: умумий белгилари, вакиллари ва аҳамияти. Киприклилар (Ciliophora) кенжа типи: ҳўжайра тузилиши ва функциялари, ҳаракатланиши, озиқланиши, айриши, ядро дуализми, жинссиз ва жинсий кўпайиши. Киприклиларнинг хилма-хиллиги. Эркин яшовчи инфузориялар. Паразит инфузориялар.

Споралилар (Apicomplexa=Sporozoa) кенжа типи. Тузилишидаги умумий белгилари, вакиллари, систематикаси. Грегариналар, тузилиши, кўпайиши ва аҳамияти. Кокцидиялар, кокцидиоз, токсоплазмоз касалликлари. Кон споралилари. Безгак қўзгатувчилари, тузилиши, ривожланиш цикллари, тарқалиши.

Амёбасимон бир ҳўжайралилар

Амёбасимон ҳужайра тузилиши ва унинг хиллари. Амёбасимонларнинг асосий гурухлари: амёбалар, фораминифералар ва актиноподалар. Амоевозоа типи, вакиллари, тузилиши, ҳаракатланиши, озиқланиши ва кўпайиши. Амёбаларни хилма-хиллиги. Касаллик қўзғатувчи амёбалар. Фораминифералар (*Foraminifera*) типи, тузилиши, кўпайиши, назарий ва амалий аҳамияти. Актиноподалар (*Actinopoda*) типи, тузилиши, систематикаси, назарий ва амалий аҳамияти. *Radiolaria*, *Heliozoa*, *Acantharea* синфлари.

Бир ҳужайрали ҳайвонларнинг филогенияси.

Кўп ҳужайралилар кенж олами (Metazoa)

Кўп ҳужайралиларнинг умумий белгилари, хўжайралари, тўқималари ва скелети, кўпайиши ва ривожланиши. Кўп ҳужайралиларнинг келиб чиқиши ва эволюцияси, Э. Геккел (1874), И.И.Мечников (1886) ва И.Ходжи (1943) назариялари. Кўп ҳужайралиларнинг асосий бўлимлари. Фагоцителласимонлар, ғоваклилар ва ҳақиқий кўп ҳужайралилар. Нурсимон ва икки томонлама симметриялилар. Бирламчи ва иккиламчи тана бўшлиқлилар. Бирламчи ва иккиламчи оғизлилар.

Фагоцителласимонлар (Phagocytellozoa)

Пластинкалилар (*Placozoa*) типи. Трихоплакснинг очилиш тарихи. Трихоплакс – кўп ҳужайрали ҳайвонлар орасида энг сода тузилган вакил. Филогенияси.

Тубан кўп ҳужайралилар ёки ғоваклилар (Parazoa)

Булутлар ёки ғовактанилилар (*Porifera*) типи. Умумий тавсифи, ҳужайра элементлари, скелети (тузилиши ва кимёвий таркиби), озиқланиши, купайиши ва ривожланиши, систематикаси, аҳамияти.

Ҳақиқий кўп ҳужайралилар (Eumetazoa). Радиал симметриялилар

Ковакичлилар типи (*Cnidaria - Coelenterata*). Икки қаватлилик ва нурли симметрия. Нерв системаси ва унинг хусусияти. Отилувчи ҳужайралар ва уларнинг турлари. Полип ва медуза ҳаёт шаклларининг галланиши. Ривожланиш жараёнининг турлари. Метагенез. Жинссиз кўпайиш ва колония ҳосил бўлиш. Гидрасимонлар синфи, тана тузилиши, ҳужайралари, кўпайиши. Колониал гидроидлар, полиморфизм. Сифонофоралар, тузилиши, тарқалиши ва аҳамияти. Сцифоид медузалар синфи, тузилиш хусусиятлари, қўпайиши ва ривожланиши. Коралл полиплари синфи, тузилиши, кўпайиши ва аҳамияти. Коралл рифлари. Маржон (коралл) полипларининг қурилиш ва қулолчилиқдаги аҳамияти.

Тароқлилар (*Ctenophora*) типи, тузилиш хусусиятлари.

Билатериал симметрияли ҳайвонлар Яssi чувалчанглар типи (Platyhelminthes)

Ташқи тузилиши ва тана шакли. Тери-мускул халтаси. Паренхима. Экологияси ва тарқалиши. Киприкли чувалчанглар синфи. Тана қоплами, кўпайиши, ривожланиши, регенерация. Киприкли чувалчанглар – сув ҳавзалари биоиндикаторлари. Сўрғичлилар синфи. Паразитлик қилиб яшашга мосланиш. Ёпишувчи органлари. Гетерогония. Педогенез. Хўжайн алмашинувининг биологик аҳамияти. Одам ва уй ҳайвонларининг асосий паразитлари ва уларга қарши кураш чоралари. Моногениялар синфи. Амалий аҳамияти. Тасмасимон чувалчанглар синфи. Патоген аҳамияти. Одам ва уй ҳайвонларининг асосий паразитлари. Яssi чувалчангларнинг филогенияси, паразитизмнинг келиб чиқиши.

Нерв ҳалқалилар (Cycloneuralia) катта типи

Нерв ҳалқалиларнинг умумий тавсифи ва типлари. Қоринкиприклилар (*Gastrotricha*) типи, умумий тавсифи, хилма-хиллиги.

Тўғарак чувалчанглар (*Nematoda*) типи, тузилиш хусусиятлари, тана шакли, тери-мускул халтаси, нерв тизими ва сезги органлари, ҳаракатланиши, озиқланиши, айриш

тизими, кўпайиши ва ривожланиши. Паразит нематодалар ва уларнинг одам, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва ўсимликлар учун аҳамияти.

Қил чувалчанглар (*Nematomorpha*) типи: умумий белгилари, хилма-хиллиги. *Priapulida*, *Loricifera*, *Kinorhyncha* типлари, нерв ҳалқалилар филогенияси.

Халқали чувалчанглар (*Annelida*) типи

Тана тузилиши ва органларининг метамерияси. Параподийлар. Иккиламчи тана бўшлиқ вазифаси ва келиб чиқиши. Кўп туклилар синфи. Умумий тавсиф. Кўпайиши, эмбрионал ривожланиши. Трохофора ва метатрохофора. Экологияси. Денгиз фаунасидаги аҳамияти. Камтуклилар синфи. Тузилиши, сув ва тупроқда яшовчи формалари. Камтуклиларнинг биогеоценозларда тарқалиши, замбуруғлар билан ўзаро алоқаси. Биогумус ва экологик тоза махсулотлар олишдаги аҳамияти. Ёмғир чувалчангининг тупроқдаги роли. Зулуклар синфи. Кўпайиши ва ривожланиши. Зулуклар туркуми вакилларининг тиббиётдаги аҳамияти. Зулукларнинг хилма-хиллиги. Халқали чувалчанглар филогенияси.

Моллюскалар ёки юмшоқтанлилар типи

Умумий тавсифи. Чиганоқнинг тузилиши ва аҳамияти. Мантия. Ёнбошнервиллар кенжа типи, умумий тавсифи. Хитонлар, ташқи ва ички тузилиши. Чиганоқлилар кенжа типи. Қориноёқлилар синфи. Тузилиши, асимметрия ва уни келиб чиқиши. Органлар системаси. Экологияси. Аҳамияти. Кенжа синфлари ва муҳим вакиллари. Пластинкажабралилар ёки иккипаллалилар синфи. Чиганоғи ва унинг очилиш механизми ва қулфлар. Биофильтрация. Иккипаллалиларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти. Бошоёқли моллюскалар синфи. Умумий тавсифи. Чиганоқнинг редукцияга учраши ва ички скелетнинг ривожланиши. Биологияси. Бошоёқли моллюскаларнинг озиқ овқат саноатида аҳамияти. Моллюскаларнинг филогенияси.

Бўғимоёқлилар (*Arthropoda*) типи

Тананинг бўлимларга ва бўғимларга ажralиши. Оёқларининг тузилиши. Экзоскелет ва унинг аҳамияти. Органлар системаси. Кўпайиши ва ривожланиши. Табиатда тарқалиши. Биосфера ва инсон ҳаётидаги аҳамияти. Бўғимоёқлиларнинг систематикаси.

Қисқичбақасимонлар (*Crustacea*) кенжа типи

Қисқичбақасимонлар (*Crustacea*) кенжа типи. Ташқи ва ички тузилиши. Оғиз аппарати. Кўпайиши ва ривожланиши. Қисқичбақасимонларнинг классификацияси ва муҳим вакиллари. Сув ости иншоотларини бузувчи заарли қисқичбақалар. Плангтон қисқичбақасимонлар ва уларнинг сув экосистемаларидағи аҳамияти. Балиқларга озиқ бўлувчи турлари. Балиқчиликни ривожлантиришда қисқичбақасимонларнинг аҳамияти. Олий қисқичбақасимонлар, хилма-хиллиги, аҳамияти.

Хелицералилар (*Chelicerata*) кенжа типи

Ташқи тузилиши. Қиличдумлилар (*Xiphosura*) синфи: ташқи ва ички тузилиши, озиқланиши, кўпайиши ва ривожланиши.

Ўргимчаксимонлар (*Arachnidae*) синфи: ташқи тузилиши, озиқланиши, нафас олиши, ички транспорти, нерв тизими ва сезги аъзолари, кўпайиши ва ривожланиши. Асосий туркумлари ва муҳим вакиллари. Захар ишлаб чиқарувчи ва тўр тўқувчи безлари. Уларнинг аҳамияти. Сув ва куруқликда яшовчи ўргимчаклар экологияси. Агроценозларда тарқалиши ва қишлоқ хўжалик экинлари зааркунандаларининг сонини камайтиришдаги аҳамияти. Каналар. Турлари. Паразит турларининг инфекцион касалликларни кўзғатувчиси сифатидаги аҳамияти. Ўргимчаксимонлар филогенияси.

Денгиз ўргимчаклари (*Picnogonida*) синфи: ташқи ва ички тузилиши. Хелицералилар филогенияси.

Трахеялилар кенжә типи

Трахеялиларнинг умумий белгилари, тана қоплағици ва нафас олиш системаси.

Күпоеқлилар (Myriopoda) катта синфи

Күпоеқлилар синфи. Тананинг бўлимларга бўлиниши. Ҳазм қилиш, айриш ва нафас олиш системалари. Кўпайиши ва ривожланиши. Экологияси. Кўпоеқлиларнинг асосий гурӯҳлари. Симфиллар (Symphyla), пауроподалар (Paurotopoda), икки жуфт оёқлилар (Diplopoda), ва лабоёқлилар (Chilopoda) синвлари. Кўпоеқлиларнинг биогеоценоздаги аҳамияти.

Олтиоёқлилар ёки ҳашаротлар катта синфи - Hexapoda

Ҳашаротлар (Insecta) синфи

Тана бўлимлари ва ўсимталари. Бош, кўкрак ва қоирин бўлимларининг тузилиши. Қанотлар ва оёқларнинг тузилиши, хилма-хиллиги ва уларнинг келиб чиқиши. Ҳашаротларнинг ички тузилиши. Ҳашаротлар танасидаги сув миқдорининг бошқарилиши. Мальпиги найчалари. Куруқликда яшашга мослашуви. Ҳашаротларнинг кўпайиши ва ривожланиши. Ривожланишига кўра ҳашаротларнинг асосий бўлимлари. Метаморфоз турлари. Жамоа бўлиб яшовчи ҳашаротлар ва улардаги полиморфизм. Экологияси ва этологияси. Кенжә синвлари ва туркумлари. Ҳашаротларнинг табиатда ва инсон ҳаётидаги аҳамияти. Табиатдаги санитар ҳашаротлар. Касаллик тарқатувчи ва паразит ҳашаротлар. Қишлоқ хўжалик ва ўрмончилик заракунандалари. Зааркунандаларга қарши биологик кураш усуллари. Энтомофаг ҳашаротлар. Хонакилаштирилган ҳашаротлар ва уларнинг аҳамияти. Ҳашаротлар палеонтологияси ва филогенияси.

Иккиласмчи оғизлилар (Deuterostomata)

Игнатерилилар (Echinodermata) типи

Иккиласмчи оғизлиларнинг умумий белгилари. Игнатанлилар типи, умумий тавсифи. Уларнинг тана симметрияси. Амбулакрал система. Нерв, айриш ва қон айланиш системалари. Жинсий системаси ва ривожланиши. Классификацияси. Пельматозойлар кенжә типи. Денгиз нилуфарлари синфи. Элеутерозойлар кенжә типи. Денгиз юлдузлари, офиуралар. Денгиз кирпилари, голотуриялар синвлари, уларнинг тузилиши.

II қисм

Умуртқалилар зоологияси

Асосий қисм

Кириш

Хордалилар типи

Умуртқалилар зоологиясининг обьектлари ва предмети. Фаннинг ривожланиш тарихи ва услублари. Фаннинг мақсад ва вазифалари. Типнинг умумий таърифи. Хордалиларни ҳайвонот олами системасида тутган ўрни. Хордалиларни ўзига хос муҳим белгилари ва уларнинг биологик аҳамияти. Хордалиларни келиб чиқиши.

Пардалилар ёки личинка хордалилар кенжә типи

Кенжә тип вакилларини тузилишининг асосий белгилари.

Асцидиялар синфи. Биологик хусусиятлари: якка ва колония бўлиб яшовчи, ўтрок ва сузувлари. Асцидияни тузилиши кўпайиши ва ривожланиши: жинсий ва жинссиз кўпайиш, личинканинг тузилиши даврлари.

Сальплар синфи. Биологияси: якка ва колония тури. Сальп ва бочкалиларнинг тузилиши ва ривожланиши. Метогенез ва унинг биологик аҳамияти.

Апендикуляриялар синфи. Апендикулярияларнинг биологияси ва тузилиши, кўпайиши ва ривожланиши.

Пардалиларнинг келиб чиқиши ва эволюцияси ҳакидаги ғоялар Неогенея ғояси (Гарстранг) А.Н.Северцов ва Н.А.Ливанов қарашлари. Хордалилар эволюциясини тушунишда А.О.Ковалевский изланишларининг аҳамияти.

Бош скелетсизлар кенжा типи

Тузилишининг асосий белгилари ва систематикаси. Келиб чиқиши. Ланцетникнинг тузилиши ва биологияси. Хордалиларнинг ҳаёт тарзи ва амалий аҳамияти.

Умуртқалилар (Бош склетлилар) кенжা типи

Тузилишининг асосий белгилари ва умуртқалиларнинг келиб чиқиши. Тузилишининг энг асосий белгилари: ўқ скелети, бош скелети, кўл-оёқ скелетлари, овқат ҳазм қилиш системаси, нафас олиш системаси ва сезги аъзолари. Тузилишининг мураккаблашиши, аъзоларининг тараққиёти – умуртқалилар прогрессив эволюциясининг асосий шарти эканлиги.

Жагсизлар бўлими

Тўгарак оғизлилар синфи. Синф вакилларининг тузилиши ва умумий белгилари. Тўгарак оғизлиларнинг келиб чиқиши ва эволюцияси. Миноганинг тузилиши ва ҳаёт кечириши: скелети, нафас олиш системаси, овқат ҳазм қилиш системаси, овқатланиши, қон айланиш системаси. Минога ва миксиналар тузилишидаги фарқлар. Тўгарак оғизлиларнинг амалий аҳамияти.

Жағофизлилар бўлими

Балиқлар катта синфи. Балиқлар умуртқалиларнинг бирламчи сувда ҳаёт кечиравчи вакили сифатида, балиқлар катта синфининг биологик ва морфологик таърифи. Ҳаракат-таянч системаси, тузилишининг асосий белгилари. Балиқлар – сув ҳайвони сифатида: нафас олиш, қон айланиш ва айриш системалари тузилиши.

Тоғайли балиқлар синфи. Тузилишининг асосий белгилари, тоғайли балиқларнинг келиб чиқиши, эволюцияси ва систематикаси. Аъзолар системаси бўйича тузилишига таъриф. Кўпайиши ва ривожланиш хусусиятлари. Туз ва сув алмашинуви. Тоғайли балиқларнинг амалий аҳамияти.

Суякли балиқлар синфи. Синфининг морфологик ва анатомик белгилари, хусусиятлари. Ҳозирги замон суякли балиқларининг келиб чиқиши ва систематикаси. Зогора балиқ мисолида суякли балиқларнинг ташқи тузилиши ва аъзолар системаси.

Шуълақанотлилар кенжা синфининг таърифи: катта туркумлари, тоғайли ганоидлар, суякли ганоидлар, кўп қанотлилар, суядор балиқлар. Уларнинг тузилиши хусусиятлари. Физиологияси ва ҳаёт кечириши.

Кафтқанотлилар кичик синфининг таърифи: катта туркумлари, чўткақанотлилар ва икки хил нафас олувчилар, уларнинг тузилиши, хусусиятлари, физиологияси, ҳаёт кечириши ва умуртқали ҳайвонлар системаси ва эволюциясида тутган ўрни.

Балиқлар экологияси. Биологик тўдалар ва уларга хос бўлган мосланиш хусусиятлари: кўпайиши, миграцияси, овланишидаги аҳамияти, балиқчилик йўналиши.

Ўзбекистон ихтиофаунасининг ўзига хос вакиллари: аборигенлари, интродукция (бошқа жойдан олиб келинган) қилингандар. Ўрта Осиёда овланадиган, ноёб ва йўқолиш хавфи остида турган балиқларнинг вакиллари.

Тўртоёқлилар катта синфи

Куруқлиқда яшовчи умуртқалиларнинг келиб чиқиши. Умуртқалилар қуруқлика чиқишидаги экологик ва морфологик мосланишлари. Сув ва қуруқлиқда яшовчиларнинг ilk вакиллари сифатида палеозой даврида яшаган амфибия – стегоцефаллар.

Амфибиялар (Сувда ва қуруқлиқда яшовчилар) синфи. Синфининг умумий биологик ва морфологик тавсифи. Синфининг систематикаси: оёқсизлар туркуми, думли ва думсиз амфибиялар. Кўл бақаси мисолида амфибияларнинг тузилиши ва биологик хусусиятлари.

Амфибиялар биологияси: асосий экологик гурухлари, овқатланиш, кўпайиши, ривожланиши, насл учун қайғуриш усуллари. Ўрта Осиёда яшовчи амфибияларнинг амалий аҳамияти ва улардан фойдаланиш муаммолари, сунъий кўпайтириш, муҳофаза қилиш.

Рептилиялар (Судралиб юрувчилар) синфи. Анамния ва амниоталарнинг морфологик ва физиологик белгилари: ривожланиши, тухумининг тузилиши, муртак қобигининг пайдо бўлиши. Тери ва унинг таркибий қисмлари. Айриш системасининг хусусиятлари ва бу хусусиятларнинг қуруқликда ҳаёт кечиришга ўтиш билан боғлиқлиги.

Рептилияларнинг келиб чиқиши ва эволюцияси. Қазилма формалари ва уларнинг морфологик ҳамда экологик турли-туманлиги. Ҳозирги замон рептилияларининг систематикаси; туркумлари: тумшуқбошлилар, тимсоҳлар, тошбақалар, тангачалилар ва уларнинг қисқача таърифи.

Тангачалилар туркумининг вакиллари – тез калтакесак мисолида рептилияларнинг тузилиши ва физиологияси. Ҳаёт кечириши, кўпайиши, овқатланиши, мавсумий хусусиятлари, хулқ-атворининг иссиқ иқлим шароитига мосланиш хусусиятлари. Рептилияларнинг амалий аҳамияти.

Ўрта Осиё герпетофаунасининг ўзига хос вакиллари. Захарли илонлар турлари, уларнинг кўпайиши ва муҳофаза қилиш. Чўл биоценозида судралиб юрувчиларнинг аҳамияти. Қизил Китоб саҳифасидан жой олган судралиб юрувчилар вакиллари.

Қушлар синфи. Синф вакиллари тузилишининг асосий хусусиятлари. Қушларнинг келиб чиқиши ва уларнинг эволюцион йўли. Ҳозирги замон қушларининг систематикаси ва туркумларининг қисқача таърифи. Уй капитари мисолида қушларнинг ички ва ташқи тузилиши. Қушларнинг мосланиш хусусиятлари, физиологияси, териси, пат тузилиши, нафас олиш системаси, айриш системаси. Нерв системаси ва сезги аъзолари.

Қушларнинг экологияси: географик тарқалиши, экологик гурухлари, учишга мосланиши, кўпайиши, ривожланиши, насл учун қайғуриши, мавсумий хусусиятлари. Миграция ва унинг сабаблари. Қушларнинг табиат ва хўжаликдаги аҳамияти.

Ўрта Осиё орнитофаунасининг турли-туманлиги ва асосий вакиллари. Қушларнинг овландиган, кўп сонли, ноёб, қўриқланадиган турлари. Ўзбекистон Қизил Китобига киритилган қушлар ва уларнинг яшаш шароитлари. Ўзбекистонда орнитологик кузатишлар олиб боришдаги асосий муаммолар.

Сутэмизувчилар ёки даррандалар синфи. Синфнинг умумий таърифи. Сутэмизувчиларнинг келиб чиқиши ва эволюциясига сабаб бўлган омиллар. Қирилиб битган турлари ва уларнинг қадимги рептилиялар билан алоқадорлиги, эволюцияси.

Ҳозирги замон сутэмизувчиларининг систематикаси: содда ёки бошланғич даррандалар, тубан даррандалар, йўлдошлилар ва уларнинг асосий биологик хусусиятлари. Йўлдошли сутэмизувчиларнинг систематикаси ва уларнинг туркумларига қисқача таъриф.

Асосий аъзолари системасининг морфологик ва функционал тавсифи; тери қоплағичлари, скелети. Нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, қон айланиш системаси ва лимфа системаси. Сийдик-таносил системаси. Нерв системаси ва сезги аъзолари. Марказий нерв системаси ва бош миясининг тузилишидаги ўзига хос хусусиятлари. Хулқ-атворининг мураккаб шакллари.

Сутэмизувчилар биологияси, географик тарқалиши. Экологик гурухлари. Сув муҳитини иккиламчи ўзлаштириш, мавсумий ритм. Уларнинг овқатланиши ва экосистемадаги ўрни, овландиган турлари, улардан махсулот тайёрлаш, муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги зараркунандалари, касал тарқатувчи ва хонакилаштирилган турлари.

Ўрта Осиё сутэмизувчиларининг турли-туманлиги. Овландиган, йўқолиб бораётган ва қўриқланадиган турлари. Ўзбекистон Қизил Китобига киритилган сутэмизувчилар турлари ва уларнинг тарқалиши. Ўзбекистонда териология муаммолари ва сутэмизувчиларни ўрганишга бағишлиланган асосий йўналишлар.

Одам анатомияси

Одам анатомиясининг предмети ва вазифалари. Анатомиянинг объекти ва тадқиқот методлари. Анатомиянинг биологияга доир фанлар орасида тутган ўрни ва ривожланиш тарихи. Ҳозирги замон анатомиясининг асосий ютуқлари. Анатомия фанини ривожланишига Ўзбекистон олимларининг қўшган хиссалари.

Скелет суяклари ва уларни бирикиши.

Анатомияда қабул қилинган ўзбекча ва лотинча атамалардан фойдаланиб, скелет суяклари билан танишиш. Умуртқа поғона ва умуртқа скелетларининг бирикиши. Тана скелети организмнинг чекланмаган турли хил ҳаракатларини бажаришда морфологик ва функционал жиҳатдан мослашган 200 дан ортиқ ҳар хил суяклар йиғиндиқидан ташкил топган. Бу суяклар ҳаракат усулига қараб бир-бири билан турлича бўғимлар, бойламчалар ва мускулар ёрдамида бирикади. Скелет суякларига мускуллар туташган бўлиб, уларнинг қисқариши суяклар ҳаракатида асосий воситачи ҳисобланади.

Скелет суяклари 3 хил вазифани бажаради. А) Таянч вазифаси. У ҳар хил тўқима ва аъзоларнинг скелет суяклари айрим қисмларига бирикиши натижасида вужудга келади. Б) ҳаракат жараёни. Скелетни ташкил қилувчи суякларнинг ҳар хил бўғимлар хосил қилиб, бўғим орқали бирлашиши ва мускуллар қисқариши натижасида юзага келади. В) химоя вазифаси. Айрим скелет суякларининг бир-бири билан бирикишидан хосил бўлган бўшлиқлар ичидаги аъзоларни химоя қилишдан иборат (масалан кўкрак қафаси, бош мия бўшлиғи ва х.к.).

Скелет суяклари минерал тузлар депоси ҳисобланаб, уларнинг таркибида А, Д, С ва бошқа витаминлар мавжуд. Скелет суякларининг икки томонлама бирикканлиги сабабли дастак вазифасини ҳам бажаради. Натижада суякларнинг бир-бирига ёки бутун танага нисбатан ҳаракат таъминланади. Одам умуртқа поғонаси 33-34 та умуртқа йиғиндиқидан ташкил топган. Уларнинг 24 таси ҳакиқий ва 9-10 таси сохта умуртқалар. Булар 7 та бўйин, 12 та кўкрак, 5 та бел, 5 та думғаза ва 4-5 дум умуртқаларидан ташкил топган. Умуртқа поғонасининг узунлиги ўртacha эркакларда 73-75 см, аёлларда 69-71 см teng.

Қўлнинг эркин турган бўлимидаги суяклар.

Қўлнинг эркин суякларига юқоридан пастга қараб елка суяги, ўрта қисмida тирсак ва билак суяклари, охирги қисмida эса қўлнинг панжа суяклари киради. Уларнинг кўпчилигини узун суяклар ташкил этади. Қўлнинг эркин суяклари бир-бирови билан тўғридан тўғри ва бўғимлар хосил қилиб бирикади.

Оёқнинг эркин турган бўлимидаги суяклар. Оёқ камари суяклари ва уларнинг бирикиши.

Оёқ суяклари ҳам, қўл суякларига ўхшаб бир нечта қисмларга бўлинаб ўрганилади. Айрим қисмлари ўз навбатида бир нечта суяклардан ташкил топган. Булар биргаликда одам танасининг ҳаракати ҳамда таянч вазифасини ўтайди. Буларнинг анатомик тузилиши ҳам ана шундай муҳим вазифаларни бажаришга мослашган. Дастреб, оёқ суяклари иккита йирик қисмга бўлинади. Биринчи, оёқ камари суяклари бўлиб, булар иккита, ўнг ва чап чаноқ суяклари ҳамда, уларнинг ўртасида жойлашган думғаза ва дум суяклари бўлса, иккинчиси оёқнинг эркин қисмидаги суяклардир. Булар сон, болдир ва оёқ панжа сукларидан ташкил топган. Оёқнинг эркин суяклари бир-бирови билан тўғридан тўғри ва бўғимлар хосил қилиб бирикади.

Бош скелети. Калла суяклари: калланинг энса, пешона, тепа, чакка, понасимон ва ғалвирсимон суяклари.

Бош скелети ҳар хил тузилишига эга бўлган бир нечта жуфт ток суякларнинг йиғиндиқидан ташкил топган. Суяклар сони умуртқали хайвонларникуга нисбатан кам. Айримлари бир-бирлари билан бирлашиб мураккаб бош суякларига айланган. Одам бош скелети, айниқса мия қисми, думалоқ шарсимон шаклда бўлади, юз қисми айрим умуртқали

хайвонларнигига ўхшаб мия қутисини олдида эмас, балки унинг остида жойлашган. Бу паст томондан умуртқа поғонасига таяниб туради.

Калланинг юз сүяклари.

Юқорги ва пастки жағ сүяклари, танглай, бурун, кўз ёш, тил ости сүяклари. Юз бўлимининг сүяклари юз сүякларининг асоси ҳамда овқат ҳазм қилиш ва нафас олиш тизимларининг бошланғич қисмларини ташкил этади. Юз сүяклари унинг асоси ва шаклини ташкил этишда юқориги ва пастки жағ, танглай, бурун, димоғ, ёноқ ва тил ости сүяклари каби сүяклар ҳам иштирок этади. Булардан ташқари юз бўлимида кўриш, ҳид билиш аъзолари жойлашадиган бўшлиқлар мавжуд. Юз бўлими сүякларидан ташқари мия қутиси сүяклари билан чоклар ҳосил қилиб бирикади. Юз сүяклари ўз вазифаларига мослашган ҳолда турли шаклга эга.

Юқориги жағ сүяги жуфт ва мураккб тузилишга эга. Бир неча вазифа-ларни бажаришга мослашган бўлиб, кўз косаси, бурун ва оғиз бўшлиқларининг шаклланишида иштирок этади. Чайнов аппаратлари ишини таъминлайди. Юқориги жағ сүягида тана ва тўртта ўсимталар мавжуд. Тана ичидан буруннинг ўрта йўлига очиладиган юқориги коваги Гаймор бўшлифи бор.

Пастки жағ сүяги тоқ сүяк бўлиб, тақасимон шаклга эга. Кўпчилик сут эмизувчиларда пастки жағ сүяги жуфт ҳолда сақланиб қолган. Жағ сүяги калла сүяги билан ҳаракатчан тарзда бирикади. Танаси ва икки томонидан ўсиб чиқкан иккита шохча қисмидан ташкил топганлигини таърифлаб бериш керак. Скелет касалликлари ва аномалияси. Скелет жароҳатлари.

Синдесмология.

Умумий тавсифи. Сүяклар ўзаро бирлашуви. Синартрозлар, диартроздар ва симфизлар. Гавда скелети сүякларининг бирикиши. Оёқ ва қўл скелети сүякларини бирикиши. Бош скелети сүякларини бирикиши.

Мускуллар: гавданинг юза ва чуқур жойлашган мускуллари. Бош, бўйин ва юз (мимика) мускуллари.

Мускулларнинг морфологик тузилиши ва физиологик хусусиятлари организмда ташки ва ички ҳаракатларни амалга оширишга мослашган. Мускуллар морфологик ва физиологик хусусиятларга қараб бўлиниши 1) скелет мускулатуралари, 2) силлиқ мускуллар, 3) юрак мускулатураси. Скелет мускулатураси майдада мускул толачаларидан ташкил топган бўлиб, организмни ихтиёрига бўйсунган ҳолда ҳаракат қиласи, яъни соматик нерв системаси орқали инервация қилинади. Кўндаланг тарғил тузилишга эга. Силлиқ мускуллар дуксимон шаклидаги мускул хужайраларидан ташкил топган бўлиб, организмни ихтиёрисиз ҳаракатда бўлиб, вегетатив нерв системаси орқали инервация қилинади. Мисол: қон томирлар, овқат ҳазм қилиш тизими деворидаги мускуллар. Юрак мускуллари ўзининг морфо-физиологик тузилишига қараб фарқланади. Яъни тутамлар ҳосил қилиб тартибсиз ҳолда жойлашган бўлади. Вегетатив нерв системаси орқали иннервация қилинади.

Гавданинг орқа мускуллари: трапетциясимон мускул, орқанинг сербар мускули, ромбсимон мускули, куракни кўтарувчи мускуллар киради. Орқанинг чуқур мускуллари: бўйин ва бошнинг тасмасимон мускуллари, умуртқа поғонанинг тик тутувчи мускуллари ва бошқалар.

Юз, қўл ва оёқ мускуллари.

Мимика ёки юз мускуллари, қўл ва оёқ мускуллари, елка камари мускуллари, елка ва билакнинг олдинги ва орқа мускуллари. Бу мускуллар қўл ва оёқ ҳаракатларини таъминлайди. Узунчоқ ва яssi мускуллардан ташкил топган. Скелет сүякларини турли қисмларида бирикиб қисқариши натижасида ҳаракат содир қиласи.

Овқат ҳазм қилиш аъзолари.

Оғиз бўшлиғида тил сўргичлари мускулатураси. Доимий ва сут тишлари. Жигар топографияси, ўт пуфаги ва меъда ости бези. Асосий вазифаси организмга тушган озиқ моддаларни парчалаб, уларни сўрилишини таъминлаб беради. Организм тўқималарини озуқа моддалар билн таъминлайди. Овқат ҳазм қилиш тизими оғиз бўшлиғидан бошланади. Оғиз бўшлиғида тил, тишлар ва унинг деворида сўлак безлари жойлашади. Тил кўндаланг йўлли мускуллардан ташкил топган бўлиб, мускул тутамлари тартибсиз холда жойлашган. Уларни қисқариши натижасида тилда ҳар хил ҳаракат жараёни содир бўлади. Тилнинг юза қисмида таъм, маза, аччиқ - чучукни сезиб берувчи сўргичлар жойлашган.

Тишлар, юқори ва пастки жағларда тишлар жойлашади. Ҳар бир жағда 16 тадан, ҳар ярмида 8 тадан бир хил тишлар жойлашади. Курак тиши 2 та озиқ тиши1та, кичик озиқ тиши 2 та катта озиқ тиши 3 та бўлади. Охирги катта озиқ тишлари 17- 25 ёшларда чиқа бошлайди. Ҳаммаси бўлиб 32 та тишлар жойлашади. Юқори жағда 16 та, пастки жағда ҳам 16 та. Оғиз бўшлиғи деворида 3 та сўлак безлари жойлашади 1) қулоқ ости бези, 2) тил ости бези, 3) жағ ости бези. Уларнинг чиқарув каналчалари оғиз бўшлиғи ва тил остига очилади. Ҳазм тизими касалликлари ва инфекциялари.

Нафас олиш тизими.

Бурун бўшлиғи, кекирдак (хиқилдоқ). Трахея, бронхлар, ўпкалар, плевралардан ташкил топган. Нафас олиш тизимининг асосий вазифалари. Нафас олиш тизими бурун бўшлиғидан бошланиб, ўпка пуфакчалари билан якунланади. Уларнинг морфологик тузилиши, асосий вазифалари. Бир жуфт ўпкалар бўлиб, кўқрак қафасида жойлашади. Ўнг ўпка 3 та бўлакдан, чап ўпка эса 2 та бўлакдан ташкил топган. Ўпка бўлаклари яна ҳам майда бўлакчаларга бўлинниб уларни синусоид бўлакчалари дейилади. Ўпка бир неча марта бўлакланиб бориб, охири бронхиоллалар ва ўпка пуфакчалари билан якулланади. Респиратор тизими патологияси ва касалликлари.

Сийдик ва таносил аъзолари.

Буйраклар. Эркаклар ва аёллар жинсий органлари: уруғдон, тухумдон, ортиғи, простата бези, бачадон, ташки таносил аъзолари (қин).

